



№ _____

Sizning _____

100021, O`zbekiston Respublikasi,
Toshkent sh., Chorsu m., 21
Faks: 244-83-68, tel. 120-48-48
e.mail: office@doridarmon.uz

**«DORI-DARMON» АК
акциядорларига
(руйхат буйича)**

**«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Хурматли акциядорлар!

«DORI-DARMON» АК Кузатув кенгашининг 2022 йил 06 июндаги қарорига асосан Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 29 июнь куни, Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган Компания мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Компания акциядорлари реестри 2022 йил 23 июнь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: office@doridarmon.uz.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. “DORI-DARMON” АК кузатув кенгашининг 2021 йил яқунлари буйича ҳисоботини тинглаш.
3. “DORI-DARMON” АК бошқарувининг 2021 йил яқунлари буйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг 2021 йил яқунлари буйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “DORI-DARMON” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. “DORI-DARMON” АК томонидан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, тўғрисида.
7. “DORI-DARMON” АК нинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. “DORI-DARMON” АК устави янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.
9. “DORI-DARMON” АК “кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
10. “DORI-DARMON” АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. “DORI-DARMON” АК тафтиш комиссиясини бекор қилиш.
12. “DORI-DARMON” АК бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
13. “DORI-DARMON” АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.
14. “DORI-DARMON” АК да 2022 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
15. “DORI-DARMON” АК ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва янги тахрирда тасдиқлаш.
16. “DORI-DARMON” АКга «Сирдарё Дори-Дармон» МЧЖни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 40-41 моддаларига асосан, “DORI-DARMON” АК акциядорлари, “Жамиятни қайта ташкил этиш” тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли эканликларини маълум қиламиз.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2022 йил “23” июнь ҳолатига тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича нақдсиз пул ўтказиш йўли билан (миллий валютада) амалга оширилади.

Жамият акциялари “Тошкент” Республикаси фонд биржаси котировка варағига киритилган бўлиб, Жамият томонидан сотиб олинган 1 дона оддий акциянинг бозор қиймати “Тошкент” РФБдаги 2022 йил 06 июн ҳолатига Компания оддий акцияларининг котировка нархи доирасида амалга оширилади.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши учун акциядорлар:

а) акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган жойи), депо ҳисоб варағидан кўчирма (ёки нусхаси), сотиб олиниши талаб қилинаётган акциялар сони ва акцияларни тўлаш учун маблағлар ўтказилиши лозим бўлган банк реквизитларини кўрсатган ҳолда жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида ёзма талаб (ариза) юбориши;

б) Паспорт билан шахсан келиши ёки акцияларни қайтариб олиш шартномасини тузиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома билан ваколатли вакилни жамиятга юбориши;

с) юридик шахс мақомига эга бўлган жамият акциядорлари билан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш учун ушбу юридик шахс раҳбари ёки ваколатли вакили иштирок этиши лозим бўлади.

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат туганидан сўнг, Жамият, қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни 10 (ўн) кун ичида қайтариб сотиб олади.

Жамиятнинг ўз акцияларини сотиб олиши бўйича тузиладиган шартномалар (битимлар), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади ва акциядорларга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачилари томонидан рўхатдан ўтказилади. Инвестиция воситачилари хизмати ҳақи Жамият томонидан тўланади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтирилган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган «DORI-DARMON» АКнинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: 78 120-38-28